Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 26 март Чоршанба.
№ 25 (14419)

Иқтидорлилар — юрт бахти

МАЛАЙЗИЯДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

Моҳирбек ЗОҲИДОВ 1996 йилда Фарғонадаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейини аъло баҳога битириб, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг менежмент ва маркетинг факультетига ўқишга қабул қилинди, 1993 йилда Истамбулда биология фани бўйича бўлиб ўтган олимпиадада фахрли биринчи ўринни эгаллаган.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида иқтидорли ёшлар қаторида Нью-Йорк Университетининг Малайзиядаги филиали — Седая коллежига ўқишга жўнатилган. Куни кеча эса таҳририятимизга Моҳирбекдан мактуб келди.

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят! Биз, Малайзияда таҳсил олаётган ўзбекистонликлар Республикамиз Президентининг Фармонига мувофиқ иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тузилганлигини эшитиб, бениҳоя мамнун бўлдик. Бу катта ғамхўрлик дўстларим қатори менинг ҳам ғайратимга ғайрат қўшди. Коллежда таҳсил олаётганимга саккиз ой бўлди. Бу ерга ўқиш учун келганлар дастлаб инглиз тили бўйича тўрт ойлик тайёрлов босқичини ўташлари керак экан. Лекин лицейда бизга математика, физика, химия, биология фанлари инглиз тилида ўқитилганлиги ниҳоятда қўл келди. Мендан имтиҳон олиб кўришгач, тўғридан-тўғри асосий босқичга қабул қилишди.

Коллежимизда 500 га яқин талаба бор. Улар турли миллат вакиллари. Тўғриси чет эллик дўстларимиз Ўзбекистон ҳақида жуда кам маълумотга эга эканлар. Албатта, бу табиий. Чунки мустақилликка эришганимизга эндигина олти йил бўлаяпти. Шунинг учун биз уларга Ўзбекистонимизнинг бой тарихи, жаҳон маданияти хазинасини бойитишга улкан ҳисса қўшган алломаларимиз ҳақида ҳикоя қилиб бераяпмиз. Коллеждаги таълим-тарбиянинг ўзига хос томонлари бор экан. Бу ерда таҳсил олаётган ёшлар қобилиятлари, имкониятларига қараб ҳар бир семестрда учта ёки бешта фан танлаб, шулардан имтиҳон топширишади. Ўтган семестрда имтиҳонларни аълога топширдим. Янги семестрда бешта фан бўйича синовга тайёрланаяпман. Ниятим — имтиҳонлардан фақат аълога ўтиш. Иншоолloҳ, келгуси йили март ойида коллежни тугатсам, Нью-Йорк университетининг III босқичида ўқишни давом эттираман. Албатта чет элда ўқишнинг ўзига яраша масъулияти бор. Чунки хорижлагилар юриш-туришимизга, ўзимизни қандай тутишимизга қараб, юртимизга ҳам баҳо беришади. Буни бир нафас ҳам ёдимиздан чиқарганимиз йўқ. Мустақил республикамизнинг обрў-эътиборини оширишда бизларга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар биримизнинг орзу-ниятимиз қунт билан ўқиб, яқин келажакда мустақил юртимиз учун малакали мутахассислар бўлиб етишиш, давлатимизга садоқат билан хизмат қилишдир. Бу йўлда куч-ғайратимизни асло аямаймиз.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН

Серқуёш ўлкамиз бўйлаб янгиланиш, поклaниш фасли — Наврўзи олам кезиб юрибди. Урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримиз яна қайтиб, кўнглимизга эзгулик уруғларини сочмоқда. Юртимизга қут-барака, хонадонларимизга файзу-тароват олиб кирди — Наврўзи олам!

Одамлар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиб, бир-бирларининг аҳволидан хабар олмоқдалар. Саховатли кишилар, юрт оқсоқоллари бева-бечоралар, кўпболали оилалар, қарияларимизнинг кўнглини кўтаришмоқда. Одамлар боғуроғларни тартибга келтириб, ҳашар йўли билан кўчалар, ҳиёбонлар, ҳовли-ру́яларини ораста қилмоқдалар.

Ташкилотлар, жамоа хўжаликларида одамларга меҳру оқибат кўрсатиш, саховатли кўнгилларга эзгулик уруғини сочмоқда. Биргина мисол, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида бўлиб ўтган Наврўз байрамида матбаачиларнинг кекса авлоди, ветеранлар тўрга ўтказилиб, уларнинг барча-барчасига совға-саломлар улашилди. Узоқ йиллар шу ерда ишлаган кишиларнинг кўнглини кўтарадиган сўзлар айтилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Тинчлик барқарор бўлган юртга байрам ярашади... Тотувлик, осудалик бўлган жойдан бало-қазолар йироқ юради».

Хуллас калом, юртимизда эзгулик ва тароват, янгиланиш фасли кезиб юрибди. Оллоҳ шундай кунлардан бенасиб қилмасин!

Байрам кайфияти меҳнат жамоаларига ҳам кўчди.

Суратда: «Шарқ гули» лик қўли гул чеварлар. (ЎзА.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига кўра биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни Тошкентда чақирилади. Унда мамлакатимиз ҳаётига оид 17 та долзарб масалаларни, шу билан бир қаторда Олий Мажлис ваколати доирасига кирувчи бошқа масалаларнинг ҳам муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
Мазкур ҳужжат мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, қадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, мамлакатимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича илмий акс эттириш, тарихий воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга холисона баҳо бериш ҳамда уни кенг оммага етказишга хизмат қилади.

Тошкентда «Ташаббус-96» республика танлови якунланди. «Энг яхши ҳунарманд» номи Қибрай туманидаги «Ижод» хусусий фирмаси раҳбари Эргаш Сафаровга, «Энг яхши фермер» номи Андижон вилоятининг «Шуҳрат» хусусий деҳқон хўжалиги раиси Тожимирза Нуриевга, «Энг яхши тадбиркор» номи Самарқанддаги «Умид» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси раҳбари Олим Ражабовга насиб этди. Улар автомашиналар билан тақдирландилар. Танлов ғолибларига унинг ташкилотчилари ва танловни қўллаб-қувватлаган ташкилотлар номидан қимматбаҳо совғалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборотига кўра1997 йил 25 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг қиймати 58 сўм 19 тийин миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасида тузилган аҳдномага мувофиқ, катта мурувват тадбири бошланди. Республикамиз Халқ таълими вазирлигидан олинган хабарга қараганда, қўшни давлатнинг Ленинобод вилоятига турли фанлар бўйича дарсликларнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Бу дарсликлар кирилл алифбосида ёзилган бўлиб, ўзбек мактабларининг биринчи синфларига мўлжалланган. Яқин вақт ичида бундай дарсликлар Душанбега ва Тожикистоннинг ўзбеклар зич яшайдиган туманларига ҳам жўнатилади. Ҳаммаси бўлиб 329 мингтага яқин китоб туҳфа этилади.
Бу дарсликлар мамлакатимиз ўқувчиларига энди керак бўлмайди. Ўзбекистоннинг ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларида биринчи синф ўқувчилари шу ўқув йилидан бошлаб лотин алифбоси асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқимоқда. Келишувга мувофиқ Тожикистондаги ўзбек мактабларининг барча синфлари учун дарсликлар йил сайин босқичма-босқич бепул етказиб берилади.

Навруз байрами арафасида пойтахтимизда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзприватбанк» — Ўзбекистон халқаро банки, Республика товар хом-ашё биржаси мажмуи, Республика Марказий банки ва бошқа қўллаб маъмурий, турар — жой бинолари қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.

«Туркистон» ва ЎзА мухбирлари тайёрлашди.

НОН ТАЪМИ

Ҳар сафар Наврўзи олам кириб келганида кўнглимда ажиб бир туйғу-яшариш туйғуси, ўтган-ўтаётган кунларга шукрона айтиш ҳисси гупириб, жўш уради. ҳаркалай, бегим кунларда ҳам, байрам кунларида ҳам биз эл-юрт хизматига камарбаста бўлган кишиларнинг масъулияти яна бир бор ошади. Чунки эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш биз новойларнинг сидқидилдан меҳнат қилишимизга боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Деҳқон ерга уруғ сочади, тиним нималигини билмай, уни худди ўз фарзанди сингари асраб-авайлаб, парвариш қилади. Бу меҳнатнинг самараси ўлароқ, деҳқоннинг омборлари донга тўлади. Ана шу донни тегирмонларда, элеваторларда унга айлантирилади. Бу неъмат нон заводларига келиб, оддий ҳамирга, оддий ҳамир эса бурсилдоқ, иссиқ нонларга айланади. Заводимиз ишчи-хизматчилари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, астойдил меҳнат қилиб, Бўка тумани аҳолисига ҳар куни 10 хил турдаги нон ва нон маҳсулотларини етказиб берадилар.

Ҳар куни саҳарда туман ҳудудидаги 20 та дуконларимизни айланар эканман, пештахталарда иссиқ, бурсилдоқ нонларни кўрганимда қилаётган ишимиз нақадар масъулиятли эканлигини дил-дилдан ҳис қиламан. Кўнглим фахр-ифтихорга тўлиб-тошади.

Ахир дастурхонимиз тўкинлиги нон билан, деб бежиз айтишмаган-да. Шуни алоҳида таъкидлагим келадики, байрам кунлари заводимиз цехларидан иссиқ нонлар, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш икки баробарга ортади. Шундай экан, биз бор имкониятларимизни ишга солиб, эл-юрт дастурхонини ўз маҳсулотларимиз билан тўкин қилишга камарбастамиз.

Равшан ОҚНАЗАРОВ,
Бўка туманидаги Нон заводи директори.

БОРЛИҚ НУРГА ТЎЛГАНДА

Ўлкамизга гўзал айём — Наврўзи олам ташриф буюрди. Борлиқ нурга, гулларга тўлган. Юртимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар, ислоҳотлар, яратиш ва бунёдкорлик ишларини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳур Ўзбекистон ҳаётини ҳам баҳорга қиёслаш мумкин.

Юртимиз кўчалари, сайилгоҳу хиёбонлари ватандошларимиз, хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Чор-атроф байрамона безатилган. Шоду ҳуррамлик, мусиқа садоларидан дил яйрайди. Байрам тантаналари давом этмоқда. Шундай фарахбахш дамларда юртдошларимизнинг руҳияти, дил сўзларини билмоқ истаймиз.

Наргиза ИСЛОМОВА, муаллима:

— Наврўз Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг энг қадимий байрамидир. У кўнгилларга кўтаринкилик, саховатпешалик, меҳр-мурувват бахш этади. Қизларим билан Миллий боғда роса сайр қилдик. Сержило, антиқа, безаклар уларга бирам ёқиб қолди. Таниқли санъаткорларнинг мусиқий дастурлари, ажойиб томошаларни мириқиб кўрдик. Байрамнинг шунисиёхши-да!

Акбар РАСУЛОВ, ТошДУ талабаси:

— Наврўз янгиланиш, яшариш айёмидир. Биз талабалар ушбу байрамга ўзига хос тайёргарлик кўрдик. Университетимизда катта шанбалик ўтказиб, ҳамма ёқни ободонлаштирдик. Ўқув хоналарини саришталадик. Икки-уч кун аввал Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ёлғиз қариялар аҳволидан хабар олган эдик.

Уз навбатида ҳукуматимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан бениҳоя мамнунмиз. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Қувонмай буладими, ахир! Биз ёшларга дунё эшиклари энди очиқда!

Дилшод БОЗОРОВ, қурувчи:

— Бухородан, яна ҳам аниқроғи, Қоровулбозордан Наврузни Тошкентда кутиб олиш учун атайин келдик. Нефтни қайта ишлаш корхонаси барпо этиляпти, хабарингиз бор-а. Корхона рисоладагидек ишлаши учун кўплаб махсус иншоотлар зарур. Биз қураётган насос станцияси шулар жумласига киради. Жамоамиз аъзоларининг аксариятини ҳам ёшлар ташкил этади. Ўзим аслида Тошкент транспорт институтида сиртдан таҳсил оламан. Юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи улкан қурилишда меҳнат қилишимдан фахрланаман.

Хосият РАҲМАТУЛЛАЕВА, меҳнат фахрийси:

— Қадимий китобларда ёзилишича, фарвардин ойининг биринчи куни — баҳорнинг бошланиши, қуёш ҳамал буржига кирган вақт — Наврўз (Янги кун) ҳисобланган. Оллоҳ айни шу куни оламни яратган экан.

Қаҳратон қишдан кўкламга — Наврузга соғомон етиб келдик, шукр. Юртимизда бугун хурсандчилик авжида. Истагим, Навруз барча-барчага соғлик-омонлик, оилаларимизга хотиржамлик, дастурхонимизга қут-барака, хонадонларимизга файз-кўрк олиб кирсин!

Тантаналар авжида, гул кўтарган лобар қизлар, лабларида сумалак қотиб қолган болажонлар, сайл баҳона бир-бирлари билан андак гурунглашиб, кўнгил ёзган отахону-онахон чеҳрасида табассум. Зеро, Навруз жамики юртдошларимизга олам-олам қувонч олиб келсин, деймиз!

Ўз мухбиримиз

ҲУДУДИЙ АНЖУМАН

Кеча Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташаббуси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси иштирокида «Ёшлар ва Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши» дастури доирасида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинарда «Ёшлар, маънавият ва дин» «Ёшлар ва ватанпарварлик», «Ёшлар, таълим, тараққиёт» каби мавзулар муҳокама этилиб, тегишли зарур тавсиялар ишлаб чиқилди. Унда «Камолот» жамғармаси Наманган, Андижон, Фарғона бўлимлари фаоллари, ЮНЕСКО вакиллари, хорижлик ва ўзбекистонлик мутахассислар иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов қатнашди.

(Семинар ҳақида батафсил маълумотни газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз).

«Туркистон»га мактуб

БОЛАЛАРГА ХИЁНАТ

Биз Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги «Гигант» жамоа хўжалигининг 2-бўлимида яшаймиз. Бўлим туман марказида жойлашган бўлиб, унда «Юлдузча» болалар боғчаси бор. Ана шу кичкинтойлар маскани бошига ташвиш тушди. Икки йил муқаддам «Юлдузча»ни тугатиб, у жойлашган бинони туман солиқ бўлими ихтиёрига бермоқчи бўлишди. Бу масала «Гигант» жамоа хўжалиги умумий йиғилишида кўриб чиқилганида ота-оналарнинг норозилигига сабаб бўлди.

Шундан кейин туман ҳокимлиги уни иқтисодий қийинчиликлар туфайли жамоа хўжалиги таъминлай олмаяпти, деган баҳонада бошқа идорага бериш тўғрисида фармойиш чиқарди.

Ваҳоланки, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Т. Бобоқулов болалар боғчасини ишлатиш имконияти бор, биз уни зарур маҳсулотлар билан таъминлай оламиз, деб рўй-рост айтган бўлсада, унинг фикри инобатга олинмади. Қишлоқда маданий бинолар қуришни кўпайтириш ўрнига ишлаб турган болалар боғчасини йўқ қилиш инсофданми?

Биз туманимиз марказида бирорта ҳам ҳаммом йўқлиги ҳақида ёзмоқчи эмасмиз. Ҳар қандай қийинчиликларга чидаймиз. Аммо келажагимизга, болаларга қилинган хиёнатга асло чидай олмаймиз.

Ота-оналар номидан:
Р. Маманова, Г. Жамолова, З. Каримова, О. Эргашева.

Тадбиркорга дунё кенг

Истиқлолга юз тутган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва мос муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Бунда, албатта, юртимиз тадбиркор ва ишбилармонларининг ҳам ҳиссалари бор. Хўш, тадбиркорликни сиз қандай тушунасиз? «Ўзтадбиркорбанк» акциядорларига берган саволимизга қуйидаги жавобни олдик.

Хошимжон ОЧИЛОВ, Қашқадарё вилояти, Косон тумани «Турон» ишлаб чиқариш ва таъминот базасининг бошлиғи:

— Тадбиркорликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Аниқ мақсад сари интилувчан, ҳаракатчан, сергайрат ва ҳақиқий мулкдор кишиларгина тадбиркор бўлишлари мумкин.

Жамоамизнинг вазифаси Қашқадарёдаги барча туманларни қурилиш ашёлари билан таъминлашдан иборат. Ўтган йилнинг ўзида 46 миллион 550 минг сўмлик товар айирбошлашдик. Шундан 3 миллион 700 минг сўмига ўзимиз маҳсулот ишлаб чиқардик. Соф фойда эса 1 миллион 600 минг сўмни ташкил этди. Ҳаммаси бўлиб жамоамизда 26 киши меҳнат қилади. Биласизми, тадбиркорлик яна изланувчанликни ҳам талаб этади. Яқинда Украинадаги бир корхона билан шартнома имзоладик. Унга кўра шиша синиқлари, парчаларидан маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона очмоқчимиз. Агар шу ишлар яхши ўтга тушиб кетса, юртга анча нафи тегарди, устига устак қўшимча ишчи ўринлари пайдо бўлар эди.

Донияр МЕЙИРБЕКОВ, «Дони» уруғчилик хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари:

— Илгарилари давлат корхонасида ишлардим. Энди эса ўз ишимни бошладим. Беш юз хилдан ортиқ уруғ келтирдик. МДҲ ва чет давлатлари билан шу соҳада кенг ҳамкорлик қиламиз. Дунёнинг кўпгина давлатларига уруғ экспорт қиламиз. Юртимизда йўқ ўсимликлар уруғларини эса хориждан келтирамиз. Асли касбим агроном. Ўтган йилги айланма маблағимиз 9 миллион сўмни ташкил этди. Тасарруфимизда 14 та уруғчилик, 3 та нон-қандолат цехларимиз бор. Германия, Англия, Италия, Голландия билан шартномалар тузмоқдамиз.

Менимча, тадбиркор йўқни йўндирадиган, қаловини топиб қорни ёндирадиган бўлиши керак. Бунда олма пиш, оғзимга туш, деб қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Тошкентда уруғчиликка оид кўргазма ташкил қилдик. Компьютер хизмати доимо мижозлар учун шай. Ундан ҳар бир уруғ тўғрисида маълумот олиш мумкин. Оддий бир мисол: 20 кунда етиладиган редиска уруғи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотяпти. Қолаверса, республикамизга сабзавотларнинг ҳосилдор янги навларини келтириш, улар учун минерал ўғитлар, ҳимоя воситалари тайёрлашда янги услуб, йўналишлар ахтариш ҳам бизнинг диққат марказимиздадир.

Маҳмуджон ФОЗИЛОВ, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги «Гулистон» деҳқон-фермер хўжалигининг раиси:

— Тадбиркорликни мен ҳалол меҳнат орқали фаровон ҳаётга интилиш деб тушунаман. Хўжалигимизда асосан пахта, бўғдой, кечки резавор экинларини экамиз. 1992 йилдан бери фаолият кўрсатиб келамиз, шу вақтдан буён режани муттасил бажаряпмиз. Албатта, иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади. Масалан, техниканинг эскирганлиги, оз фоизли ссудалар дегандек... Лекин бекор ўтирсак, фурсат-вақт қўлдан бой берилади. Вақтни эса пулга сотиб олиб бўлмайди-ку... Чинакам тадбиркор шуларнинг барини ҳисобга олиши зарур.

Йўлдош СОБИРОВ, Хоразм вилояти «Собирхўжа» фирмаси раҳбари:

— Тадбиркор янги ғояларни амалда тадбиқ эта олсагина, чинакам тадбиркор саналади. Тадбиркорлик эса қайсидир маънода келажакни олдиндан кўра билишни талаб қилади. Жамоамиз деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Хизматчиларга банкдан маошларини ўз вақтида тўғрилаб берямиз. Чунки, шахсий манфаатдорлик иш унумининг гарови-да. Ҳар куни иш бошлашдан аввал кўнглимдан кечирганларим шулар бўлади: «Менинг юмушим халққа ҳам, давлатга ҳам, ўзимга ҳам наф келтириши керак!»

Режаларимиз кўп. Янги ишлаб чиқариш цехлари қуришни бошлаб юбордик. Консерва, колбаса, гилам, қандолатчилик, тикиш, тўқиш цехлари шулар жумласига киради. Яна ошхона ва меҳмонхона бунёд қилмоқчимиз. Тиниб-тинчимаслик ва ҳалоллик тадбиркорликнинг энг асосий шарти бўлса керак.

Арслон ОДИНАЕВ, Бухоро шаҳридаги «Атлас» савдо ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари:

— Тадбиркорлик бу энг аввало билимлиликдир. Ўзини тадбиркор ҳисобловчи киши иқтисодиёт илмини пухта билиши зарур. Қимматбаҳо қоғозлар бозори, унинг моҳияти, банк тизими билан тадбиркор яхши таниш бўлиши керак.

Ҳиссадорлик жамиятлари ўз акцияларини нимага асосланиб чиқаришяпти? Уларнинг дивиденти вақтида етказиб берилаяптими? Биз ана шу масалаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда иш олиб борамиз. Маблағимизнинг бир жойда туриб қолишига йўл қўймай, уни тинимсиз ҳаракатга соламиз. Янги цехлар ҳам, буш иш жойлари, ёшларни иш билан узлуксиз банд қилиш ҳам шунинг натижасида вужудга келади.

Музаффарбек СОБИРОВ, Республика Акционерлик — тижорат «Тадбиркор» банки бошқаруви раиси, иқтисод фанлари номзоди:

— Тадбиркорликни шахсий бойлик орттириш усули, деб ҳисобловчилар қаттиқ янглишадилар. Бугунги кун тадбиркори давлат ва халқ олдидаги масъулиятни чин дилидан ҳис этиши, ҳаётимизни янада фаровон бўлиши, иқтисодиётимизнинг юксалишига ўз улушини қўшиши керак, деб ўйлайман.

1996 йил давомида «Тадбиркорбанк» тизими 59 мингдан ортиқ мижозга молиявий, иқтисодий ва ташкилий хизматларни кўрсатиш билан бирга 1 миллиард 329 миллион сўм ҳажмида кредит ажратди.

Банкимиз Республика қимматли қоғозлар бозорида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб, акцияларни сотишдан тушган маблағларни хусусий тадбиркорлик ва жойларда кичик бизнес тармоқларини ривожлантиришга йўналтирмоқда. Хулоса қилиб айтганда, юртимизнинг буюк келажагини яратиш билан боғлиқ бўлган замонавий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, чуқур қайта ишлаш, малакали хизмат кўрсатиш тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жамоамиз тадбиркорлар билан амалий ҳамкорлик қилишга доим тайёрдир.

Н. ИСЛОМОВА.

Тошкентда Наврўз шодиёналари

«Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида «Наврўз» ва қушиқ айёми» бўлиб ўтди. «Олтин мерос» болалар фольклор гуруҳи томонидан кўҳна йилбоши байрамининг қадимги қўшиқ ва лапарлари айтилди, турли маросимлардан лавҳалар намойиш этилди. Ҳамза номли академик театри артистларининг чиқишлари айниқса, илиқ кутиб олинди. Байрам дастури сўнгидаги дилрабо мусиқалар эса барчани даврага чорлади.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

Бобур номидаги истироҳат боғида янграган шўх мусиқалар барчани ёшлар сайлига чорлади. Майдон ва йўлаклар, бир неча саҳналарда турли-туман кўриклар, қизиқарли ўйинлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари уюштирилди. Тумандаги мактаб ва маҳаллаларда «Камолот» жамғармаси ҳомийлигида кўплаб ҳунармандчилик ва санъат тўгараклари ишлаб турибди. Боғдаги кўргазмаларда тўгарак аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, ёш рассомлар ва ҳунармандларнинг асарлари кўргазмаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Файзли боғда байрам шодиёналари давом этаётир.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

Тошкент алоқа коллежида замонавий электрон алоқа воситаларида ишловчи кичик мутахассислар тайёрланади. Фан-техниканинг электр алоқа соҳасидаги энг сўнгги ютуқларини ўрганиш машғулотлардаги асосий мақсад ҳисобланади. Шунингдек, илм даргоҳида маънавият ва маърифат масалаларига ҳам катта эътибор берилади.

Яқинда бу ерда анъанавий «Иқбол» қизлар курик-танлови бўлиб ўтди. Танловда беш нафар талаба ўзбекона латофат сирлари, шунингдек, уй юмушлари, пазандалик бўйича қизиқарли шартлар асосида ўзаро беллашдилар. Унда Шаҳноза Аҳмедова ҳамда Нигорахон Топматовалар барчанинг олқишига сазовор бўлиб, энг юқори ўринларни эгалладилар. Уларга Фахрий ёрлиқлар ва коллеж директорининг махсус совринлари топширилди. Уқув масканидаги «Камолот» жамоатчилик маркази (раиси — Бахтиёр Турлибоев) эса тадбирда ҳомий ва ташкилотчи сифатида қатнашди.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

Тошкент молия институтининг шинам ҳовлисига тонгданоқ шўх мусиқалар, устоз ва талабаларнинг хушҳол кулгу овозлари ила ўзгача файз кирди. Бир қанча дошқозонларда Наврўз таомлари қайнаб, меҳмоннавозликнинг барча русумларига мос равишда тўкин дастурхон ёзилди. Байрамга ёндош маҳаллалардан нуроний кексалар ташриф буюришди. Удумга биноан дастурхонга ош тортилди. Институт ректори, академик Мурод Шарифхўжаев барчани Наврўзи олам билан қизғин табриклади. Талабалар бадиий ҳаваскорлик дастаси ўз дастури орқали барчага баҳорий хуш кайфият улашди. Байрам куни илмгоҳнинг барча зал ва спорт майдончалари ҳам ёшлар билан гавжум бўлди. Талабалар спорт ва халқ ўйинлари бўйича «Камолот» жамоатчилик марказининг соврини учун ўзаро беллашдилар.

Б. ҲАЙДАРОВ

Ёшлар ҳуқуқи

НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ОСОН

Ҳурматли таҳририят!

Биз хориж бозорларига чиқиш мақсадида Ўзбекистонимизда етиштириладиган мева-чеваларни россиялик тадбиркорларга жўнатиб, ўрнига юртимизга керакли ёғоч ва қувурлар олиб келишни режалаштирдик. Аммо бизни бир нарса ўйлантиради. Агар ҳамкорларимиз ўзаро шартномаларни бузса ёки бирон бошқа воқеа юз берса, унда бизнинг ҳақимиз нима бўлади? Ўзаро шартномаларни тузишда нималарга эътибор қаратиш керак?

Салом билан
Собиржон НОРТЎХТАЕВ,
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани.

Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз яқин ва узоқ хориждаги ўз ҳамкасблари билан алоқада бўлиб иш юритмоқдалар. Ҳатто 1995 йилда ҳам МДҲ мамлакатларидаги шериклар ўртасида келиб чиққан хўжалик низоларини ҳал қилиш жиддий муаммо эди. Ҳозир бундай муаммо йўқ, давлат пошлинасини тўлаш, банкларда миллий валюталарни алмаштириш масаласи ҳал этилган. Қурилаётган ишлар орасида ҳамдустликдаги деярли барча мамлакатларнинг хўжалик юритиш субъектлари билан боғлиқ ишлар бор. Аксарияти Россиядан, чунки бизнинг ишбилармонларимиз ана шу мамлакат тадбиркорлари билан яхши алоқа ўрнатганлар. Бундан ташқари, МДҲ мамлакатларининг ҳакамлик органлари бизга — Ўзбекистон тадбиркорларига таллуқли қарорлар ижросига оид ҳужжатларни юбориб туришибди. Биз эса ўз навбатида қарзларни ундириб олиш тартиб-русумини тезлаштириш мақсадида худди шундай ҳужжатларни бошқа республикаларга жўнатаяпмиз.

Шерикларингиз яқин хориждан бўлса, хўжалик низоларини ҳал этиш мушкул эмас. Бироқ томонлар ўртасида шартномалар тузилаётганида мабодо келишмовчилик келиб чиққан тақдирда иш қайси мамлакатнинг ҳакамлик органларида кўрилиши шартлашиб олиниши керак. Бинобарин, томонлар судни ўзлари танлашлари мумкин, бу соҳада ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Р. ҚОРИЕВ,
ҳуқуқшунос

УРГУТ ТЕРАКЗОРЛАРИ

Ургут тоғларида қор 6-7 ой сақланиб қолади. Баҳор келиб, қуёш оламни эндигина ўзининг заррин нурларидан баҳраманд қила бошлаганида бу ерлар, айниқса, гўзал манзара касб этади. Оппоқ қорлардан қайтган нурлар ажиб бир гўзалликни намоён қилади.

Ургут тоғларининг мана шу гўзаллигини муҳофаза қилиш, уни авайлаб-асраш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш Самарқанд бош ўрмон хўжалигининг жонкуярлари зиммасидадир. Улар бу борасида кенг кўламдаги ишларни амалга оширяптилар. Қарийб 11 минг 200 гектар майдонда ўрмончилик билан шуғулланадиган Омонкутан, Ургут, Самарқанд, Элипок бўлимларида, айниқса, кейинги йилларда игна баргли ўрмонлар кўпчиликни ҳайратга соляпти. Шунингдек, бу ерларда турли тераклар, арча, қрим қарағайи, чинор, грек ёнғоғи каби дарахтлар ҳам экиляпти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 62-сонли қароридан кейин тоғ ён бағирлари ва пастекисликлардаги 46 гектар майдонда тез ўсувчи ёғочбоп теракзорлар барпо қилмоқдамиз, — дейди Самарқанд вилояти ўрмон хўжаликлари бошқармасининг бошлиғи Собир Эргашев. Бундан ташқари шу йил яна 20 минг туп олма кўчати, 3 минг туп беҳи, 10 минг туп шафтоли, 50 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ва 46 минг туп қрим қарағайини кўпайтириш ниятимиз бор. Шунингдек, бу йил ўрмончиларимиз доришуносларга 2 тонна наъматак, 500 килограмм тоғ райҳони, 1,5 тонна тоғ чойи сингари дориворлар териб топширишади. Боғбонлар 5 тонна ёнғоқ, 200 тонна мева-чева йиғиб оладилар. Бошқарма ҳузуридаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида эса 20 минг донагача супурги тайёрланади.

Шу кунларда ўрмон хўжаликларида мевали кўчатларни пайвандлаш ишлари давом этмоқда. Ҳозиргача 6 минг дона олма кўчати пайванд қилинган бўлса, экиш мавсумигача яна 4 минг дона пакана бўйли серҳосил олма кўчатлари пайвандланади.

СУРАТДА: Элипок ўрмон хўжалиги теракзорларида.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

САВОБ ИШНИ ҲАР КУНИ...

Наврўз — баҳорий янгиланиш билан бирга меҳр-оқибат, саховат байрами ҳамдир. Азалдан халқимиз Наврўз кунларида кексалар, ногиронлар ва кўнгли ярим кишиларга хайру саховат кўрсатганлар.

«Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бундай инсонпарварлик удумини ado этмоқда. Жумладан, куни кеча шаҳримиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига сифатли пойабзаллар ҳадя қилинди. Ногирон болаларнинг 100-махсус мактаб-интернатида эса катта байрам тантанаси уюштирилди, тарбияланувчиларга «Камолот» совғалари улашилди. Бундай саховатдан болаларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Ҳа, савоб ишни ҳар кун қилиш керак!

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

«Хельсинкида яхлит, барқарор ва демократик Европа қуриш жараёни бошланди», дея баёнот берди АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси С. Бергер. У Хельсинкида бўлиб ўтган Америка—Россия олий даражадаги учрашувида АҚШ делегацияси таркибида иштирок этди.

Унинг сўзларига қараганда, гарчанд Россия Президенти Борис Ельцин НАТОнинг кенгайишига қарши нуқтаи назарини сақлаб қолган бўлса ҳам, Оқ уй раҳбари Билл Клинтон Шимолий Атлантика Алянсининг кенгайиши шу йили июль ойида, Мадридда бошланиши ҳақида аниқ ишора қилган.

Бергернинг фикрича учрашувнинг муҳим жиҳати шундаки, Америка ва Россия ҳалқаро масалаларда худди Босниядагидек, яхши шерикчилик асосида ишлай олишини кўрсатди. «Биз бугун янги НАТО ва янги Россия билан иш кўряпмиз. Бизнингча, Россия ҳам НАТОнинг янги моҳиятини тушуна бошлади», деб таъкидлаган у журналистлар билан учрашувда.

Шунингдек, Хельсинки саммитида икки мамлакатнинг муҳим стратегик ядро қуролларини қисқартириш бўйича бошлаган ҳамкорлигини давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Украинага келди. Киевда бўлиб ўтадиган музокараларда асосан икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигига оид масалалар кўриб чиқилади.

Айрим маълумотларга кўра, музокаралар ниҳоясида Озарбайжон нефтини жаҳон бозорига чиқаришда Украинанинг иштирок этишини кўзда тутувчи ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Унга кўра Бокудан жўнатилган нефт Грузиянинг Ботуми бандаргоҳи орқали Украинага, сўнг Европа мамлакатларига юборилади. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш, божхона, савдо ва кемачилик соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид битимлар имзоланиши режалаштирилган.

* * *

АҚШ конгресси делегацияси Осиё мамлакатлари бўйлаб ўн кунлик сафарга чиқди.

Делегация дастлаб Жанубий Кореяга ташриф буюради. Бу ерда улар Корея ярим оролидаги можарони тинч йўл билан ҳал қилиш ва икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этади. Сўнг Америка конгрессменлари Гонгконг, Япония ва Хитойда бўладилар.

Айни пайтда АҚШ Вице-Президенти Алберт Гор ҳам Осиё—Тинч Океани минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафарда юрибди. Унинг сафар дастуридан Япония, Хитой ва Жанубий Кореяга ташриф буюриш ўрин олган. Ушбу ташрифлар, табиийки, АҚШнинг Осиёдаги ҳамкорлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга интилишини кўрсатади.

* * *

Тайванда чоп этиладиган «Лянхэбао» газетасининг ёзишича, Хитой ҳукумати шу йилнинг апрель ойида мазкур «орол давлат» яқинида йирик ҳарбий машғулотлар ўтказишни режалаштирмоқда. Газета бу хабарни Тайван ҳарбий разведка хизмати маълумотларига асосланган ҳолда эълон қилган.

Ҳарбий разведка хизмати ушбу машқлар Тайванга сиёсий зўғум қилиш мақсадида ўтказилиши мумкин, деган тахмин қилаётир. Маълумки, ўтган йилнинг баҳорида, Тайвандаги президент сайлови арафасида ҳам Хитой йирик ҳарбий машқлар ўтказган эди.

Ҳамкорлик робиталари

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Яқин вақт ичида Термизга шаҳардаги Банк мактабининг 9-11-синфлар ўқувчилари учун «IBM» маркали компьютерлар келтирилади. Урганч шаҳрида ёшлар учун ташкил этилаётган бизнес-инкубатор, шунингдек, бошқа вилоятларнинг ёшлар ташкилотлари ҳам ана шундай электрон ускуналар билан жиҳозланади.

Американинг «IBM» компьютерларини ишлаб чиқарадиган жаҳонга машҳур фирмаси «Камолот» республика ёшлар жамғармасига 19 та электрон ҳисоблаш машинасини ҳадя этди. Бу машиналар кейинчалик минтақаларга тақсимланади. Фирма вакилининг гапига қараганда, компьютерлар ёш авлодга таълим ва тарбия бериш муаммоларини ҳал этишда Узбекистон ёшлар жамғармасига фаол кўмаклашиш истаги билан ҳадя этилган.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

«Туркистон»—SOS!

ЛОҚАЙДЛИК

«Камолот» жамғармасининг Нишон тумани бўлими фаолияти яхшиланишига тўғаноқ бўлаётир.

1996 йил туман пахтакорлари йиллик режани уддалай олмай, ер чизиб қолдилар. Бу қолоқлик шубҳасиз, минглаб ёшлар яшайдиган ва ишлайдиган катта туман иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хўжаликларнинг чунтаги қаппайиш ўрнига молиявий қуввати тобора камайиб бораётганлиги ташвишли ҳолдир.

«Камолот» жамғармасининг Нишон тумани бўлими раиси Рустам Худойназаровнинг айтишига қараганда хўжаликларда, хусусан, туман марказида минг нафарга яқин ишсиз ёшлар борлиги ташвишлидир.

— Меҳмон, кечирасиз, туманимизнинг номи улуғ бўлгани билан супраси қуруқ — деди Р. Худойназаров. — Гапнинг очиғи ўзим ҳам хижолатдаман. Негаки, қирқ километр узоқ жойдан қатнаб ишлайман. Бориб, келиш учун саксон чақирим йўл босишга тўғри келяпти. Бу ерда эса... бирорта ҳам меҳмонхона йўқ.

Туман ҳокимининг биринчи муовини Умрқул Эрбоев билан гурунглашдик. Рустам Худойназаров унга хўжаликлардаги илғор ёшлар билан суҳбатлашиб келиш учун транспорт йўқлигини, ўзининг «Москвич» машинаси эса бузилиб қолганини айтди.

— Майли, эртага машина излаб кўраман.

— Бугунчи?

— ...

Тўғрисини айтганда, туманда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлардан қаноат ҳосил қилиш мушкул. Нега дейсизми? Яхшиси, айрим кишиларнинг сўзларига қулоқ тутайлик:

Туман ички ишлар бўлими тергов гуруҳининг бошлиғи Тўлқин РАҲИМҚУЛОВ:

— Негадир ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳоллари камаймаётир. Масалан, 1974 йилда туғилган Фахриддин Менглиев, 1967 йилда туғилган Норбой Бозоровлар У. Юсупов номли жамоа хўжалигида ишлайдилар. Шу йигитлар ўзаро тил бириктириб, 2110 килограмм бўғдойни яшириб қўйишган.

Ана шундай ёшлардан бири — «Самарқанд» хўжалигининг транспорт ҳайдовчиси Азамат Холтураев 2900 килограмм бўғдой ўғирлаганлиги ички ишлар бўлими ходимлари томонидан аниқланди. Алишер Султонов ҳам ана шундай эгри қадам ташлаганлардан бири эканлиги маълум бўлди. Эндигина йигирма ёшга тўлган Баҳодир Буриев бўлса қўшнисининг телевизорини ўғирлабди.

Нимасини айтасиз, руйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо, бошқа нарса ўйлантиради. Ёшлар билан нега бирор ташкилот шуғулланмаётир? Юқоридагидек ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишига сабаб нима?

— Туман кенгаши аъзолари кимлар?

— Бу руйхат ташкилий бўлимда эди, ҳозир аниқ айтолмайман, — деди Р. Худойназаров.

«Камолот» жамғармасининг туман бўлими кенгашига табиийки, ўнлаб кишилар аъзоликка сайланишган. Бироқ, уларнинг кўпчилиги ёшлар ташкилоти ишига қандай амалий ёрдам кўрсатаётганлиги маълум эмас.

Туман бўлимининг етакчи мутахассиси Ойбек Бозоров билан суҳбатимиз давомида у жамғарманинг ташкилий, устав ҳамда маънавият масалалари бўйича етарли тасаввурга эга эмаслиги аён бўлди. Иккинчидан, унинг ёзма маълумотномасида таъкидланишича, 1997 йилнинг кейинги икки ойи мобайнида фақат иккита тадбир ўтказилган, холос. Нега учрашувлар, турли қизиқарли кечалар, беллашувларни ташкил этиш мумкин эмас? Нима учун ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда иштирок этиш масалалари айниқса, хўжаликларда, айрим ташкилотларда эътибордан четда қоляпти? Ахир, жамғарма уставида бу асосий вазифалардан бири эканлиги белгиланганку. Бунинг устига кўпчилик хўжаликларда ёшларнинг жамоатчилик марказлари дуруст фаолият кўрсатмаётир. Бунга сабаб нима?

— Сабаб шуки, — дейди раис Рустам Худойназаров, — жамоатчилик марказлари раисларига иш ҳақи тайинлашдан баъзи хўжалик раҳбарлари бўйин товламоқдалар. Шу сабабли тўрт-бешта хўжаликда иш деярли тўхтаб қолган.

— Ҳомийлардан хурсандмисиз?

— Йўқ. Туман ҳокимининг қарорига асосан бир нечта корхона, ташкилот, хўжаликлар ҳисоб рақамимизга пул ўтказишлари керак эди. Аммо, улар бу қарорга беписандлик билан қарашди. Ҳозиргача ўтказилган пул ҳатто 300 минг сўмга ҳам етмайди. Айниқса, Толлимаржон ГРЭСи, Қарши магистрал канали каби ташкилотларда ёшлар кўпу, лекин бизга моддий жиҳатдан кўмак беришмаётир.

— Бўлимнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлардан қандай фойдаланилади? «Ёшлик» фирмасида аҳвол қандай?

— Буларни айта олмайман...

Бир сўз билан айтганда лоқайдлик, ўзибуларчилик, юқори ташкилотларнинг талабчанлиги йўқлиги сабабли туман бўлимининг нуфузи ошмаяпти, тарбиявий ишларни яхшилаш ҳамда турли қизиқарли тадбирларни тез-тез ўтказишга эътибор берилмаётгани эса кишини ажаблантиради.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири

Бу китобни ўқинг

ВАТАН — УЛУҒ САЖДАГОҲ

Ватан туйғуси, ҳисси — шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини қалбдан ҳис қилмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас... Азал котиблари васиқани шундай битибдилар ва тақдир бизга кулиб боқибди ёки биз ўзимиз муносиб эл бўлибмизми, Ўзбекистон бизга Ватан бўлибди, биз унга фарзанди комил бўлибмиз. Тоабад шундай бўлгай, иншоолloҳ! — сифатида маъноланади яқинда чоп этилган «ВАТАН ТУЙҒУСИ» номли китобда.

Албатта, ҳозиргача ҳам Ватан тушунчаси мавжуд ва ҳар биримиз уни ўзимизча идрок этамиз, тушунамиз. Бироқ, юқорида номи зикр этилган асар бизнинг Ватан тўғрисидаги тушунчаларимизни янада равшанлаштиради. Такомил сари қўйилаётган қадамимизга барака киритади. Ватан тушунчасининг миллат, миллий маънавият, миллий ғурур, миллий виждон, ўзига хослик, том маънодаги ватанпарварлик, миллий онг ва мафкура кабилар билан уйғун равишда таҳлил этилиши илгари биз ўрганиб қолган ҳамда сиёсий мақсадлар исканжасидаги соҳта «Ватан» тушунчасини биздан бегоналаштиради. Шу маънода, ушбу китоб, унинг аҳамияти хусусида айрим фикрларни айтишга жазм қилдик.

«Ватан туйғуси» эса том маънодаги Узбекистоннинг истиқлол шароитидаги жараёнларга ҳамоҳанг яратилганлиги билан ажралиб туради ва шу аснода уни ҳақиқий ижтимоий буюртма, жамият аъзолари томонидан талаб этилаётган ҳодиса, зарурий қўлланма, десак хато бўлмас.

Маълумки, жамиятда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий — мафкуравий ўзгаришлар бир томондан кишиларимизни, уларнинг фикр доираси, дунёқараши, мақсад ва вазифаларини ўзгартириб юборди. Бу эса ҳар бир кишидан мазкур рўй бераётган ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришни талаб этмоқда. Айни пайтда, бўлак томондан, ижтимоий-сиёсий вазият жамики ўзбекистонликдан ўз билим даражасини ошириш, истиқлол моҳиятини чуқур англаб етиш, энг муҳими, Ватан туйғусининг муқаддас куч ва аҳамиятини англашни кун тартибига қўймоқда. «Ватан туйғуси» юқоридаги бир-биридан зидли ҳолатни мувозанатга келтиришда муҳим қўлланмадир.

Асарнинг «Бир шода марварид», «Теран томирлар», «Истиқлол шижоати» номли ҳар уч қисми қўйилган вазифаларни оқилона, ҳаққоний равишда илмий таҳлил этишга йўналтирилгандир. Энг муҳими, мақсад ва вазифаларнинг тўғри танлай олиниши, уларни ҳал этиш чоғида эса эскича услубий тадқиқот амалиётидан тўлиқ воз кечганини, масалаларга муносабат билдиришда эса тарихийлик, холислик каби тамойилларга чуқур таянганлик — ишни муваффақиятли тарзда якунлашнинг гарови бўлган.

«Ватан туйғуси» ҳеч шубҳасиз — ўқувчиларнинг доимий ҳамроҳига, ёшларнинг муҳим қўлланмасига айланади. Ушбу китобнинг энг диққатга сазовор жиҳатларидан бири — миллат ҳақидаги тушунча масаласидир. Муаллифларнинг ҳақли қайд этишларича, миллат тушунчаси — синфий тушунча эмас. Миллат вакили бўлишлик мулкдор ёки мулкдор эмасликка боғлик эмас. Бой ҳам, ўртаҳол ҳам, йўқсил ҳам битта миллатга мансуб бўлиш ҳуқуқига эга. Миллат тушунчаси синфлардан устувор англатма. Марксча-ленинча сиёсатдонларнинг ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият бор, деган назариялари фақат уйдирмадан иборатдир.

Миллат кишиларининг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият устунлиги ва муштараклиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат йўқ. Миллатнинг метиндек жипслиги давлатнинг қудратига боғлиқ. Ва аксинча, миллатнинг метиндек жипслиги давлатнинг қудрати даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда таърифлаб бўлмайди. Давлатни тузишда, демакким, миллатни шакллантиришда тарихий шахснинг — йўлбошчининг ўрни ва роли каттадир.

Озод Ватанни мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий — сиёсий, маънавий, мафкуравий баркамоллигини таъминлаш, шу юртда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш, қўшни халқ, миллат, давлатлар билан тинч-тотув яшаш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаш, ўзаро ҳамкорликда ҳар бир томон манфаатларини ҳимоя этиш, шахсларнинг ролини инобатга олиш — буларнинг бариси янгича талқинда ўз аксини топа олган.

Биз учун анча кўп маълумотлар, муаллифлар мулоҳазалари китобнинг истиқлол даврига бағишланган қисмида жуда ҳам ишонарли тарзда баён этилган. Энг аввало, шу нарсани қайд этиш лозимки, асарда истиқлол феномени, миллий ифтихор масалалари янгича таҳлил этилади. Ўзбекистонда амалга ошаётган демократик жараёнлар, сиёсий маданият, демократиянинг маънавий қиёфаси билан боғлиқ масалаларга муаллифларнинг атрофлича тўхталишлари, демократиянинг жамият учун, истиқлолни ҳаётий кучга айлантириш учун сув ва ҳаво каби зарурий эканлигини кўрсатиб беришлари ишнинг қадр-қимматини ошириб юборган.

Бир сўз билан айтганда, биз анчадан буён кутаётган илмий, илмий-оммабоп асар яратилди. Унинг муаллифлари А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраевлар Ўзбекистоннинг кўп миллионли ўқувчилари талаб этаётган нарсани илғаб етгандек, ушбу «Ватан туйғуси» асарини яратганлар. Асарни Ўзбекистон тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий тараққиёти йўлидаги, бой ўтмишимиз, кечамиз тўғрисида мухтасар, ҳаммабоп тушунча берувчи зарур қўлланма сифатида баҳолаш мумкин.

А. МАВРУЛОВ,
А. Кодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор.

ҚАЙСИ ЗАМОНДА ЯШАЯПМИЗ?

Баҳор келиб, борлиқ яшил либос кийди, қаёққа қараманг, кўз қувонадиган фасл бошланди. Нарўзи олам нафақат суратимиз, сийратимизга ҳам шукуҳ бахш этди.

Баҳорнинг боши — байрамларга бой март ойи бизга яна бир байрам ҳадя этди. Республикамиз стадионларида бошланиб, миллионлаб мухлисларга завқ-шавқ бағишлаган, юракларга ойдин бир ғулғула солган футбол байрамини назарда тутяпман.

Ёшлигимда мен ҳам ашаддий мухлис бўлиб, «Пахтакор»нинг биронта ўйинини қолдирмасдан кўрардим. Яхши эсимда: бу пайтда майдон сочи чала олинган бошга ўхшар, яъни бир жойда майса бору бошқа жой тақир, дарвоза олди эса лойхандаққа ўхшаб ётар эди.Куни кеча «Пахтакор» стадионидаги ўйинни томоша қилдим. Майдон бутунлай бошқача, теп-текис, яшил майсани кўрибоқ баҳри дили очилиб кетади кишининг. Мен ҳалиям бу улкан спорт иншоотининг бир йил ичида шундай жиддий таъмирдан чиққани, деярли қайта қурилганидан ҳайратимни айтмаяпман...Хуллас, ҳамма нарса гўзал, ҳақиқий байрамга ярашгулик эди...

Мени фаққат бир нарса сал андишага солиб, қўлимга қалам олишга мажбур қилди. Футбол мавсуми очилиши арафасида телевидениеда бир неча кўрсатувлар бўлди. Уларнинг барчасида, сўнгра футбол куни ҳам «Пахтакор» деган қўшиқ янгради. Олдин: 17 та команданинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонники-ку, нега фақат «Пахтакор»куйланяпти, деб ўйлай бошлаган эдим, кейин унинг анча илгари, «Пахтакор» ҳали собиқ СССР биринчилигида ўйнаб юрган пайти ёзилганини эсладим.

Эсладим-да... бироз ранжидим. Гап қўшиқнинг яхши-ёмонлигида эмас, унинг мазмунида. Мазмун бугунги кунга мутлақао тўғри келмайди. Ишонмасангиз, тинглаб кўринг.

Шундан иккита мулоҳаза пайдо бўлди.

Биринчиси. Бу қўшиқни эфирга бераётган ўртоқларимизнинг ўзи ҳам уни диққат билан бир тинглаб кўрса, эҳтимолки, Ўзбекистон мана, олти йилдирки, мустақил давлат экани, бинобарин, ўзининг мустақил олтинчи чемпионатини ўтказаётгани хаёлларига келармиди...

Иккинчи мулоҳаза. Қўшиқ мазмунан бугунги кунга тўғри келганида ҳам уни эфирга бераверишқандай бўларкин? Бошқа вилоят ва шаҳарлардаги қолган 16 та команда бунга қандай қараркин? Ахир телевидение бутун Ўзбекистонники-ку!

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Сурхон томонларда

● ЁШЛАРНИНГ ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг хайрия лотереясини таъсис этди. Унга асосан жамғарманинг вилоят бўлимига миллий кураш бўйича Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб шу йил 4-6 апрелда ўтказиладиган турнирни кенг тарғиб этиш имконияти вужудга келади.

— Чунки, хайрия лотереясини сотишдан тушган маблағнинг 85 фоизи бўлажак миллий кураш бўйича халқаро мусобақа учун сарфланади. 15 фоизи табиийки, «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлими фаолиятини янада яхшилаш учун ҳаражат қилинади,— деди бўлим раиси, Узбекистон Олий Мажлиси депутати Ж. Қурбонов.

● ИШСИЗЛАРГА ИШ ТОПИЛДИ

Шеробод туманидаги В. Қодиров номли жамоа хўжалигида ўнлаб ёшлар иш йўқлигидан вақтни беҳуда ўтказишар эди. Хўжалик раҳбари Гулбой Бўриев янги иш ўринлари ташкил этиш зарур, деган хулосага келди. Сўнг қисқа вақт ичида кичик корхона ташкил қилди. Унда ўттиз нафар ёш меҳнат қилаётир. Уларнинг кўпчилиги этикдўзлик, сартарошлик, тегирмончилик касбларини эгаллашди.

● МЕҲРИБОН, ҒАМХЎР

Хўжаёр Муҳаммадиев кўп йиллар мактаб директори, участка бошлиғи, қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбари вазифаларида ишлаб , тажриба орттирган. Педагогика билим юрти, педагогика институти, қишлоқ хўжалик институтини тугаллаган — учта диплом эгаси. У Қизириқ туманидаги «Истара» жамоа хўжалигига раҳбарлик қила бошлагач, аввало ёпиб ташланган болалар боғчалари фаолиятини тиклаш билан шуғуллана бошлади.

Шу кунларда хўжаликдаги деярли барча боғчаларда болаларнинг яйраб дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Айниқса, Парда Хўжамуродов, Хўжаёр Мардаев, Жума Абдуллаев, Ҳасан Аллаёров, Жовли Сатторовларнинг жонбозлиги туфайли қолоқ хўжаликдаги ишлар ўнгланиб бораётир.

● БЎЛАЖАК ТАДБИРКОРЛАР ЛИЦЕЙИ

Ёшларни турли тадбикорлик ишларига жалб этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Бандихон туманида бу борада ибратли ишлар амалга ошириляпти. Ишчан мутахассис Йўлдош Жумаевнинг фидойилиги туфайли чўлда бизнес мактаби ташкил топди.Унда 170 нафардан ошиқ ёшлар тадбиркорлик сирларини ўрганмоқдалар. Айниқса, тикувчилик , миллий ҳунармандчилик, менежерлик, ҳисобчилик гуруҳларида сабоқ олаётган ва ҳунар ўрганаётган ёшларнинг қувончи чексиз. Чунки, улар касб эгаллаш билан бир қаторда ҳал хил кечалар, учрашувлар, тадбирлар ўтказишяпти.

Айни кунларда китобхонлар конференциялари, ёзувчи-журналистлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

«Туркистон» мухбири.

Ўқинг, қизиқ!

4,5 МИЛЛИАРДЛИК ХАЗИНА

Норвегиялик ғаввос Антон Смитнинг Эквадор соҳиллари яқинидаги ҳаркатлари зое кетмади. У бундан уч аср аввал чўкиб кетган «Па Капитана Хесус Мария» номли Испания кемасидаги хазинани топди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, топилманинг умумий баҳоси 4,5 миллиард АҚШ долларига тенг. Хазинанинг тарихий ашё сифатидаги қадр-қиммати ҳам қўшиб ҳисобланса, топилманинг нархи 10 миллиард долларга етиши мумкин.

Норвегиялик ғаввос топган хазина чўкиб кетган бойликларни овлаш тарихида эришилган энг юксак натижадир.

БОЛАРИНИНГ РАҚОБАТЧИСИ

Мексикалик олимлар асал билан бемалол рақобатлаша оладиган янги маҳсулот кашф этишди. Америка қитъасида кенг тарқалган магея ўсимлигидан тайёрланадиган бу модда таъм жиҳатдан асалдан қолишмайди. Унинг таркибидаги фойдали витамин ва аминокислоталар эса асалдагига қараганда анча кўп. Бундан ташқари, магея асалининг таннархи боларинникига нисбатан анча арзонга тушади.

Магеянинг яна бир хусусияти шундаки, ундан асал тайёрлашни истаганлар махсус билимга эга бўлиши шарт эмас. Улар яқинда барча дўконларда сотувга қўйиладиган «асал олувчи қурилма»ни харид қилсалар кифоя.

РАНГЛАРДАГИ ГЎЗАЛЛИК

Ёш рассомлар асарларига бир нигоҳ

Пойтахтимиздаги Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида Маннон Ўйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг тасвирий санъат бўлими талабалари ҳамда Беҳзод номидаги бадиий билим юртида таҳсил олаётган ёш ижодкорлар асарлари намойиш этилди. Ушбу кўргазма ҳақида фикр юритар эканман, беихтиёр юртимизнинг, мана олти йилдирки, мустақил мамлакат эканлигини ўйлаб, кунглим сурур ва ифтихорга тўлди. Чунки Ватанимиз тарихидаги бу буюк ўзгаришлар барча ижодкорлар қатори, рассомларимизни ҳам фақат қалби буюргандай ижод қилишларига, сермазмун асарлар яратишларига имконият берди.

Дарҳақиқат, кўргазма Мажнун» асари бадиий маҳорат жиҳатидан жуда пишиқ ва ўзига хос. Матонинг юқори қисмида енгил, мовийга мойил рангларда ошиқ-маъшуқлар руҳининг парвози тасвирланади. Ҳаётий рангларда воқелик тасвирлари: тўрт эркак елкасида бир қадар қўш бешикни эслатиб юборадиган қўштобут. Ғамгин чеҳралар. Бевосита бу асар кишини ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Кўргазма залларини айланар эксанси, яна бир дилторгар асарга дуч келасиз. Бу К. Усмонов (афсуски, исми тўлиқ ёзилмаган экан) ижодига мансуб «Меъморлар» номли ҳайкалли кичик композициядир.

Айни шу кунларда Ватанимизнинг қайси шаҳрига борманг, таъмирланаётган бирор қадимий обидага, номли рангтасвир асарини кўриб, давр нафасини туясиз. Пасту баланд уйлар деразаларидан чиққан турфа хил бошлар. Нигоҳлар қаршидаги уй деразаси олдига қўйилган занжири экранга қадалган. Бу асар беихтиёр шоиримиз Абдулла Орифнинг:

«Қандайин кучсан,
Томошага бунчалар
ўчсан»,

сатрларини ёдга солади.

Шунингдек, Б. Маҳмудовнинг «Шарқ нафаси», «Тоғ манзараси», «Жарлик» каби қатор манзарали асарлари кўнглингизда илиқ туйғулар уйғотади. Кўргазмага қўйилган Э. Кимнинг «Кун охири», О. Ищенконинг «Емгир-аёл», Т. Каримбоевнинг «Қоғоз кино», З. Ботировнинг «Афсона» каби асарлари тасвирий санъатга кириб келаётган ёш рассомларнинг салоҳияти ва истеъдод даражаси, бадийлиги анча баланд эканлигидан дарак беради. Мазкур кўргазма ҳақида таниқли рассом Шуҳрат Рашидов бундай деди:

— Бу кўргазмада томошабин аввало қўёшли Узбекистон жамолини кўради. Яна бир эътиборли томони шундаки, жанрлар, мавзулар ҳамда полотнолар жуда ранг-баранг. Шунингдек бироз тақлид, бироз таъсирланиш йўсинида жаҳон тасвирий санъати намуналарига эргашиш ҳолатлариям мавжуд. Ҳар бир ёш рассом ўзи танлаган мавзуни маҳорат ва бадиий жиҳатдан моҳир даражада очиб бера олган.

Юқорида номлари тилга олинган, ҳамда кўргазмада қатнашган барча ёш рассом ва ҳайкалтарошларга ижодий камолотлар тилаймиз. Уларнинг эркин-ҳур ижоди Ватанимиз шуҳратини узоқ-узоқларга элтсин!

Гулнора РАҲМОН.
Рассом





Таниқли адиб Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини ўқимаганлар бугун юртимизда топилмаса керак. Китоб айниқса ёшлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Тошкент Давлат Санъат институтининг 2-курс талабаси Илҳом Отабоев эса мазкур китобдан руҳланиб, ушбу лавҳаларни яратди.

ИШБИЛАРМОН АКА-УКАЛАР

Товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг «Ташаббус» вилоят кўрик-танловида Қизириқ тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги фермерлари — тўрт ака-ука Комиловлар фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Уларга 3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ака-укалар ташкил этган кўргазмага қўйилган сут-қатиқ, қорамол, балиқ, маккажўхори сутаси, бўғдой, арпа, ерёнгоқ, карам, Сурхондарёда машҳур қовун-тарвуз уруғлари ўзининг сифатлилиги билан эътиборни ўзига жалб этди.

— Бир йил бурун хўжаликнинг юз бош қорамоли бўлган фермасини сотиб олган эдик, — дейди ака-укаларнинг каттаси Усмон Комилов. — Йил давомида 32 тонна гўшт етиштирдик. Қорамоллар сони кўпайиб, 126 бошга етди. 35 гектар ерда беда, ғалла етиштирилди. Ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Озуқа етишмаслиги сезилаяпти. Шунинг учун бу йил асосий эътиборни ана шу муаммони ҳал этишга қаратмоқдамиз.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири

Ранг — баранг олам

ТУМАН ТУФАЙЛИ

Жанубий Африка Республикасида пойтахт Йоханнесбург билан Дурбан шаҳрини боғловчи катта йўлда 50 автомобиль бир-бири билан тўқнашиб кетди. Воқеа шоҳидларининг айтишича, урилган машиналар қатори бир неча юз метрга етган. Полициячилар ўтказган текширув натижасида тўқнашувга уша кунги қуюқ туман сабаб бўлгани аниқланди. Маълум бўлишича, аввал икки юк машинаси тўқнашган, туман жуда қуюқлиги сабаб, бошқа машиналар ҳам келиб уларга урилаверган. Оқибатда ёнғин чиқиб, бир аёл ҳалок бўлган, кўплаб йўловчилар жароҳатланган.

«ЛЕЙТЕНАНТ ШМИДТ БОЛАЛАРИ» КАБИ

Кипрнинг Лимасол шаҳрида ғарибона ҳаёт кечираётган 74 ёшли Иоанн Нидис икки кун уйидан чиқмагач, қўшнилари уй эшигини бузиб ичкари киришди. Қария жон таслим қилиб бўлган экан...

Қўшнилар шу пайтгача марҳумнинг битта ҳам қариндоши йўқ, деб билишар эди. «Ғариб чол» ётган тўшак остида 150 минг АҚШ доллари борлиги аниқлангач, бирдан унинг яқинлари ҳам топила қолди. Яхшиямки, «қариндошлар» ҳали судда узларининг қондошлигини исботлаб, меросхўрлик ҳуқуқини ҳимоя қилишлари лозим.

НОШАРЪИЙ НИКОҲ

Индонезиянинг Самаринда шаҳрида 18 ёшли усмирнинг ўзидан 20 ёш катта аёлга уйланиши шаҳар аҳолиси орасида катта шов-шув уйғонишига сабаб бўлди. Муҳаббат ёш тапламайди, албатта. Бутун шаҳар жамоатчилигининг норозилигига келиннинг ёши эмас, балки унинг қачонлардир... эркак бўлгани сабаб бўлди.

Самаринда шаҳри муфтийси бу никоҳни кескин қоралаб, «бундай тўйлар е қиёматнинг қоим бўлаётганидан, е вақтнинг орқага — бузуқилик ва тубанлик даври бўлган бутпарастлар замонига қайтаётганидан дарак» беришини айтди. Чунки, нима бўлганда ҳам Ислом дини эркакнинг фақат аёл билан бўлган никоҳини тан олади.

Меҳмонхона

«ЎТЛИ ЁШЛИГИНИ ҚЎМСАЙДИ ИНСОН»

Биз шиддатли ўзгараётган замонда яшаяпмиз. Баъзида ўйга толасан киши, ўткинчи хаёллар, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмадикми? Фақатгина кийим-кечак, томоқ «ғами», осон пул топиш дардида юрган йигит-қизлар озми? Ва умуман, ён-атрофимизга теран тафаккур, зийрак нигоҳ билан боқяпмизми?

Машҳур фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида кўнглимдан кечгани шулар эди.

— Ҳожиакбар ака, бугунги кунда баъзи ёшлар бузилиб кетяпти, деган таъна-дашномларни эшитиш мумкин. Бу гапнинг моҳиятини шарҳлаб бersангиз.

— Назаримда айрим ёшлар тирикчилик пайига тушиб кетишди. Ва бу табиий ҳолдир. Сабаби биз ҳозир ўтиш даврини бошимиздан кечиряпмиз. Бу жиҳат мустақиллик йўлига кирган давлатлар учун хос. Энди ёшларимизни фақатгина бир тоифадан санаш инсофдан эмас. Хорижда илм олаётган тиришқоқ, билимга чанқоқ йигит-қизларимиз ҳам кўп. Компьютер техникасини мукаммал эгаллаган ёшларимиз бор. Ўттиз уч ёшли профессор йигитни биламан. АҚШнинг энг нуфузли университетида мантиқий математикадан дарс беради. Бир неча илмий мақолалари инглиз тилида чоп этилган. Янги Зеландия, Япония мутахассислари ҳам олий укув юртларида дарс беришни унга таклиф қилишяпти. Лекин ўзини бозорга урган ёшлар ҳам озчилик эмас. Уларни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга тобора кўпроқ тортиш, иш билан таъминлаш, вақтларини унумли ўтказиш мақсадида Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси юртбошимиз Фармони билан ташкил этилди. Қўйилган мақсад йўлида талай ишлар амалга оширилди. Бироқ ёшларимизни соғлом маънавий ҳаётга, маърифатга қайтариш учун жуда кўп ишлар қилиш керак, деб ўйлайман. Уларни енгил пул топишдан тийиш эса катталарнинг вазифаси.

Ёшлик инсон умрининг баҳори. Унинг ғанимат дамларидан ақл билан фойдаланиш лозим. Вақт келганда афсус надоматларга ўрин бўлмаслиги керак. Шу ҳақда ўйлаганимда ардоқли шоиримизнинг қуйидаги сатрлари ёдимга келади.

Бахтлидир, қай қалбда
ёниқ нур, зиё
Бахтлидир, қай қалбда
ёниқ ҳаяжон,
Шу сабаб дастида
бўлса ҳам дунё
Утли ёшлигини қўмсайди инсон.

— Сизнингча, бирмунча ёшлар китобдан тобора йироқлашиб боришмаяптими?

— Маълумки, турғунлик даврида адабиётга ҳам сиёсий жиҳатдан ёндошилган. Бадиий адабиёт мафкурага бўйсундирилган, узлуксиз таъқибга учраган ва қолипга тушиб қолганди. Шунга қарамай, яхши асарлар ёзилган. Ойбек домла, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор асарларини шулар жумласига қўшиш мумкин.

Ёшларимиз эса бир қолипдаги адабиётни ўқиб, ундаги паст-баланднинг фарқига бориб қолишган. Китоб ўқиган киши инсон руҳиятининг янги-янги қирраларини кашф этади. Бадиий адабиётнинг вазифаси маънавияти, маърифати ва маданияти юксак комил инсонни вояга етказишдир. Маънавияти юксак одам доимо эзгуликка, яхшиликка интилиб яшайди. Мустабид тузум даврида бадиий адабиётнинг мафкурага бўйсундирилгани оқибатида кўп йўқотишлар бўлган.

Илоҳиёт инкор қилинган. Бу масала жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аллақачон ҳал этилган. Ўтмишда Ислом маданияти, Ислом фалсафаси, Илми илоҳиёт, Илми калом бор эди. Булар ҳам инкор этилиб йўққа чиқарилган. Натижада бир ёқлама тарбия шаклланган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар электрик-материализм руҳида тарбияланишган. Тўғри, реализмни ҳам инкор қилмаслик керак. Идеалистик таълимот билан реалистик таълимот уйғунликда ўрганилсагина олам ҳақида яхлит тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Тан олиш керакки, ҳозирги кунда бадиий адабиётнинг аҳволи мақтанарли эмас. Ёзувчилар социалистик реализм услубига ўрганиб қолишган. Албатта шеъриятда янгича йўналишлар бўляпти, бироқ насрда бу кўп ҳам сезилмаяпти. Чунки, ҳозирги туб бурилиш даврини ижодкор астойдил кўнглидан кечириши, қалбига сингдириши керак. Бусиз яхши асарлар ҳақида гапириш қийин. Қолаверса, ёзувчиларимизнинг ўзлари ҳам ўтиш даврини бошларидан кечиришяпти.

— Бундан беш-олти йиллар муқаддам номаълум учувчи жисмлар ёҳуд тарелкалар тўғрисида бот-бот гапирилди, ёзилди. Лекин ҳозир улар нима учундир эсланмаяпти. Ёки бу гапларнинг бари уйдирма-микан?

— Номаълум учувчи жисмлар — НУЖлар маълум бир даврда пайдо бўлади. Агар ёдингизда бўлса, совуқ уруш даври — ядро уруши хавфи пайдо бўлганда уларнинг ташрифи жуда кўпайганди. Мантиқий мулоҳаза юритсак, уларнинг қатнови туб бурилиш пайтига тўғри келади. Бундай ҳолат 30—50-йилларда ҳам кузатилган. Фантаст ёзувчилар, олимларнинг фикрича, ердаги инсонлар ҳаётини кузатиб турувчи олий тафаккур эгалари мавжуд. Агар башарият учун бирон хавф туғилгудек бўлса, уларнинг аралашишлари ва бу хавфни бартараф этишлари тўғрисида ҳам тахминлар йўқ эмас. НУЖлар Арасту замонидаёқ одамлар эътиборига тушган. Узоққа бормайлик. Вьетнамга АҚШ самолётлари кунпаякун бомба ёғдирганда ҳам номаълум учувчи жисмлар ҳаракати кўп кузатилган. Борингки, Шарқнинг қадимий китобларида ҳам улар хусусида гапирилган.

НУЖлар билан мулоқотга кирган юзлаб одамлар бор. Хорижда аввалдан шу мавзудаги уфология журналлари чоп этилади. Бундан бир неча йиллар муқаддам Москвада Александр Казанцев деган киши билан учрашгандик. Унинг қўлида шу мавзуга оид кўплаб журналлар, китоб, газеталар бор эди. У «мени Марказкўмга чақириб роса бурашди, лекин НУЖлар тўғрисида қўлимда далиллар бор» деб хавотирли оҳангда гапирган эди. НУЖларга афсона деб қарамаслик керак.

АҚШ ҳарбий базаларининг бирида гуманоиддар қолдиғи муздатилган ҳолда сақланади. У 1939 йилда ҳалокатга учраган само кемасига (коинотдан келган) таллуқли эди.

Ўзимизда ҳам одамлар НУЖларни кўп бора кузатишган. Қизилқум чўллари, Зарафшонда ҳалокатга учраган НУЖлар қуйиб тош мармарга айланиб қолган. Япон олимлари тош таркибини текшириб, унинг таркибидаги моддалар Ерда мутлақо учрамаслигини аниқлашган. Демоқчиманки, биз мураккаб дунёда яшаймиз. Фоний ҳамда боқий дунё, коинот, галактика, инсон ҳаёти — булар бир-бири билан жуда уйғунлашиб кетган.

— Руҳлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Руҳлар борлигини отабоболаримиз, азиз авлиёлар, набийлар исботлаб кетишган. Ҳаётда ҳамма воқеаларнинг юз беришида физик-биологик сабаблар бор деб ўйлаймиз. Лекин объектив сабаблар билан бирга илоҳий қонуниятлар ҳам мавжуд. Уларни уйғунликда ўргансаккина туб моҳиятига етишимиз мумкин. Йўқса кўп нарсалар сир-синоатлигича қолаверади.

— XXI аср ёшларини қандай тасаввур этасиз?

— Йигирма биринчи аср ёшлари яхши инсон бўлиб вояга етишади. Негаки, мустақилликка эришиб, катта йўлга чиқяпмиз. Улкан ўзгаришлар рўй беряпти. Юртимиз камолот сари интилаётган йўлларига дунё кўз тикиб турибди. МДҲ давлатлари орасида бизнинг мамлакатда ривожланиш ҳам илгарироқ. Ёшларимиз эса шундай шитоб замон руҳида яшаб ўз миллати, халқига муносиб ва содиқ бўлиб қолишади. Чунки, халқнинг қандайлиги унинг ёшлари билан ифодаланади. Йигит-қизларимиз буюклик мартабасига интилаётган комил инсон бўлиб етишадилар, деб ўйлайман. Бир сўз билан айтганда оловқалб ёшларга ишонаман!

— Уларга тилакларингиз...

— Ёшлар ўткинчи бойликка ружу қўймасдан, касб-кор ўрганишларини, илм-маърифат орттиришга, руҳий пок, комил инсон бўлишга интилишса, худо уларнинг насибасини ҳам беради, истиқболи ҳам порлоқ бўлади.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Назокат Усмонова суҳбатлашди.

САНЪАТ ШЕДЕВРЛАРИНИ ЯРАТИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Кино томоша қилишни ким ҳам ёқтирмайди, дейсиз? Айниқса сермазмун, ёқимли куй-қўшиқларга бой, кишини беихтиёр чуқур ўйлантириб қўювчи фильмлар бўлса. Май ойида Тошкентда XII халқаро кинофестиваль бўлиб ўтади. Шу ҳақда сўзлаб беришни Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси раисининг муовини, таниқли кинорежиссёр, профессор, халқ артисти Шуҳрат Аббосовдан илтимос қилдик.

— Шу йилнинг 22 майидан 29 майига қадар шаҳримизда XII халқаро кинофестиваль ўтказилади. «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ташкил қилинган мазкур киноанжуман жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан киночиларни тўплайди. Қолаверса, унга БМТ, ЮНЕСКО, ФИАПФ, ФИПРЕССИ, ЮНИАТЕК каби нафузли ташкилотлар вакиллари ҳам таклиф этилган.

Кинокўрик ғолиблари учун бешта соврин таъсис этилди. Булар «Олтин Семурғ» бош соврини, энг яхши актёр учун «Олтин арча» соврини, энг яхши актриса учун «Олтин лола» соврини, миллий анъаналар ва урф-одатлар муваффақиятли акс эттирилгани учун «Хўжа Насриддин» соврини ва энг яхши дебют учун «Кумуш Семурғ» соврини. Бир қатор мамлакатлар кино санъатининг машҳур намояндаларидан иборат фестиваль ҳайъатини атоқли адиб Чингиз Айтматов бошқаради. Тадбирнинг ташкилий қўмитасига Республика Бош вазири Уткир Султонов бошчилик қилмоқда. Фестиваль бош дирекциясини эса «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг раиси Темурмалик Юнусов бошқармоқда. Тантананинг очилиш маросими пойтахтимизнинг «Халқлар Дўстлиги» саройида ўтказилади.

Фестиваль дастурига танлов ва ахборот намойишларидан ташқари ўзбек киносининг асосчиси Наби Ғаниев ва Худойберган Девонов фильмларининг ретроспектив намойиши ҳам киритилган. Киноанжуман доирасида кино бозори ишлаб туради. Фильмлар ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида намойиш этилади. Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга мос асарларни сотиб олиш кўзда тутиляпти. Фестиваль аввалгидек, дўстлик, тинчлик ва биродарлик рамзи бўлиб қолади.

— Фурсатдан фойдаланиб миллий кино санъатимизнинг бугунги аҳволи хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Очиғини тан олиш керак, ҳозирги кундаги миллий кино санъатидан кўнглим тўлмаяпти. Президентимиз ҳам Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғинда батафсил тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистонни бутун жаҳон танимоқда. Миллий қадриятларимизга асосланган фильмларда Истиқлолнинг моҳиятини очиб бериш асосий вазифамиздир. Бунга давлатимиз имконият ҳам, шароит ҳам яратиб беряпти.

Бугунги ёш киночиларга ҳавасим келади.

Нозима, «Туркистон» мухбири.

Эзгуликлар

Яхшликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.

Нонни эъзозланг, чунки у ер ва осмон баракотидандир.

Аллоҳ Таоло ҳақиқатан гўзал, шунинг учун ҳам гўзалликни яхши кўради. У ўз бандасига берган неъматларининг изини кўришни хоҳлайди, фақирликни ва ўзини фақир кўрсатганни ёқтирмайди.

Хоҳлаганингни еявершинг исрофгарчиликка киради.

Йиғи раҳмдилликдан, аммо бақириб йиғлашлик шайтондандир.

Ёш боланинг ёд олиши тошга ўйилган нақш кабидир, киши катта бўлганидан кейин ёд олиши сув бетига ёзилган хат кабидир.

Нафсни тийишлик бу дунёда юрак ва баданни тинчлантиради ва нафсни тиймаслик юрак ва баданни чарчатади.

Тонг отиши олдида ухлаш ризқни бўлишга қаршилик қилади.

Кимки ўзини тия билса, ўз хонасидан ўзгаларга жой беролса ва ўзи қилган хатоларини тан олса яхши одам ҳисобланади. Таъма қилиш олимлар юрагидан донишмандликни кетказади.

«Табобатга оид ҳадис намуналари»дан.

Ажиб дунё

ТАБИАТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

ЁКИ БЕГЕМОТ, БАЛИҚ ВА БОШҚА ЖОНИВОРЛАР ҲАҚИДА

Сўнгги йилларда табиат ҳақидаги билимимиз тобора чуқурлашиб бормоқда, шунга кўра инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири ҳам кучаймоқда. Бинобарин тирик мавжудотларни асраш ва ўрганиш зарур деган мавзуга такрор-такрор қайтишимиз табиийдир. Табиатда барча биологик турлар ўзаро боғлиқ. Айтайлик, биронта гўлнинг йўқ бўлиб кетиши кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки барча ўсимлик турлари ҳар доим ўзгариб турадиган ташқи муҳит шароитига қайтадан мослаша бориши керак. Ана шу жараён ҳар доим ҳам бир хил кечмайди. Демак, яшаш шароитига мослашиш узлуксиз давом этадиган жараён. Шунга кўра ўсимлик ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам янгитдан шаклланиб боради.

Турлараро муносабатларга Африканинг баъзи бир кўлларида балиқчиликнинг ривожланиши бегемотларнинг яшаш шароитига боғлиқлигини олиб кўрайлик. Бир неча ўн йиллар муқаддам мазкур кўлда бегемотлар кўп бўлади, шунга яраша балиқчилик ҳам яхши ривож топган эди. Бегемотлар қириб ташлангандан сўнг тез орада балиқлар ҳам урчишдан тўхтади. Бу икки тур орасидаги муносабат моҳияти жуда оддий: бегемотлар сув ўсимликлари билан озиқланиб, сувни ўғитлайди, кўлда эса балиқларнинг озуқаси ҳисобланган сув ўтлари ўғит ҳисобига ривожланади. Кўлда бегемотлар сони тиклангач, балиқлар яна кўпая бошлади.

Жониворларни иқлимлаштиришда ҳам турлараро муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Баъзан шундай бўладики, бирон турни янги шароитга ўргатиш кутилмаган натижаларга олиб келади. Яқинда матбуотда шундай хабар босилди. Амазонка дарёсидан Гатун кўлига келтирилган Туканере номли балиқ ана шу кўлда яшайдиган 12 та балиқ турига қирон солади. Ўз навбатида кўлдан озиқланадиган қўшлар сони камая бошлаган, натижада эса бу ерда майда чивинлар яна кўпайиб кетган.

Энди турлар орасидаги мураккаброқ муносабатларга мисол келтирамиз. Гап кимёвий экология ҳақида боради. Баъзан шундай бўладики, муайян тур ўзидан заҳарли кимёвий моддалар чиқариб, бошқа турларни ҳам заҳарлаб қўяди. Масалан, ўсимликхўр ҳашоратлар ўсимлик ишлаб чиқазган моддалардан ўз душманига қарши курашда фойдаланади. Аниқроқ қилиб айтганда, айрим капалакларнинг ғумбаклари ўсимликдаги ана шу заҳарли моддани истеъмол қилганлиги учун қушлар бундай ғумбаклар билан озиқланмайди. Ҳаттоки сут эмизувчи жониворлар ҳам бошқа турлар ишлаб чиқазган кимёвий муҳофаза моддасидан фойдаланади. Масалан, типратиконларнинг маълум турлари бақаларга ҳужум қилиб, унинг қулоқ атрофидаги заҳарли безларини ғажийдида, ундан ажралиб чиққан заҳарни йиғади, сўнгра бу суюқликни тиканларига суркаб чиқади. Шунингдек, кирпилар бақани ҳар хил жойидан тишлаб, унинг тери безларидан чиққан заҳарли суюқликдан ҳам ҳудди ана шу усулда фойдаланади. Энг қизиғи шундаки, 15-16 кунлик, ҳали кўзи очилмаган кирпи болалари онасининг ниналаридан заҳар олиб, ўз таналарига суркайди. Шундай қилиб бақаларнинг йўқ бўлиб кетиши кирпилар сонининг аста-секин камайишига олиб келиши мумкин.

Биронта тур ҳозирги кунда қанчалик аҳамиятсиз бўлса, ҳаттоки зиён келтирадиган бўлса-да, уни йўқотиб юбориш мақсадга мувофиқ эмас. Гап шундаки, биз у ёки бу турни келажакда инсон ҳаёти учун қанчалик аҳамиятга эга бўлишини олдиндан айта олмаймиз. Фойдасиз ёки мутлақо зарарли деб ҳисобланган турлар кейинчалик ниҳоятда муҳим бўлиб, уни ҳар томонлама қўриқлаш керак бўлади. Масалан, зарарли деб ҳисобланган моғор замбуруғи кейинчалик инсон учун антибиотик дорилар ишлаб чиқарадиган манбага айланганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Бунда пенцилиннинг кўрсатган шифобахш хизматини ҳаммамиз тан оламиз. Ёки фойдасиз ҳисобланган кўп сонли бактериялар ҳам ҳозирда инсон учун хизмат қилмоқда. У қатор фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олиш технологиясида қўл келмоқда.

200 йил муқаддам Шимолий денгиз сувларида Стеллер сигири яшаган. Унинг бўйи 10 метр, оғирлиги бир неча тоннага етган. Ана шу жонивор йўқ қилиб юборилмаганида эди, шимолдаги халқлар учун гўшт, ёғ масаласи ҳозиргидан кўра осонроқ ҳал қилинган бўларди.

Марказий Осиё азалдан заҳарли илонларга бой ўлка бўлган. Собиқ шўролар даврида ана шу заҳарли илонлар заҳираси талон-тарож қилинди. Ҳозирги кунда дунё бозорида бир грамм илон заҳари тиллага нисбатан бир неча ўн баробар қиммат юради.

Хулоса шуки, нафақат айрим турларни, балки барча турларнинг хилма-хиллигини асраш керак. Чунки ана шундай хилма-хилликка бой бўлган жониворлар ҳар қандай ноқулай шароитларга бардош берадиган, ўзининг бир бутунлигини, яъни барқарорлигини сақлаб қолишга лаёқатли бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ирсий белгилари қанчалик кўп бўлса, яъни генафонд қанчалик бой бўлса, яшаш шароитига мослашиш имконияти ҳам юқори бўлади.

Яҳё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

● Ал Ҳаким Ат Термизий хотира совғаси учун Миллий кураш бўйича халқаро мусобақа олдидан

ҲАКАМЛАР КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Маълумки, ўзбек миллий кураши ўзининг кўп йиллик анъаналарига эга. Унинг энг ривожланган палласи соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврларга тўғри келади. Маҳмуд паҳлавон, Қоратош паҳлавон, Шомурод паҳлавонлар нафақат юртимизда, балки чекка ўлкаларда ҳам ном қозониб, шуҳрат топганлар.

Ана шундай машҳур аждодлар анъанасини бугунги авлод вакиллари ҳам шараф билан давом эттирмоқдалар. Турли мусобақалар, халқаро турнирларда ғалабага эришиб, юртимиз довруғини оламга ёйишмоқда. Республика ҳукумати миллий кураш турларини янада ривожлантириш, уни айниқса ёшлар ўртасида оммавийлигини ошириш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан бир неча йиллардан буён миллий кураш бўйича қатор халқаро турнирлар ўтказиб келинаётир. Унда республикамиз ва дунёдаги курашнинг шу тури ривожланган давлатлари полвонлари қатнашмоқдалар.

Шу йилнинг 4-6 апрель кунлари Термиз шаҳрида ана шу мусобақалардан бири — Имом-ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича III халқаро турнир бўлиб ўтади. Мусобақа ташкилотчилари — Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси.

Куни-кеча турнирга тайёргарлик кўриш доирасида Ўзбекистон Миллий кураш федерациясининг йиғини бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор миллий кураш ҳакамларининг тайёргарлиги, маҳорати масалаларига қаратилди. Зотан, бугун очиғи кўпгина мусобақаларда қатнашаётган ҳакамлар малакаси талабга яраша эмас. Чунки, сўнгги пайтларда янги қоидалар, узгаришлар жорий этилмоқда. Бу янгиликларни ўргатиш учун эса ҳакамларнинг махсус ўқувларини, тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш лозим. Мазкур муаммолар юзасидан сўзга чиққан полвонлар ва ҳакамлар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Шунингдек, йиғинда кураш устаси К. Юсуповнинг «Миллий кураш қоидалари» рисоласи муҳокама қилинди. Бу тўпламдан Бухороча курашнинг янги қоидалари, ҳакамлар ва полвонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мусобақа турлари ва уларни ўтказиш шартлари ўрин олган.

Йиғин қатнашчилари Термизда ўтадиган халқаро мусобақа Низоми ва тартиби билан танишиб чиқдилар. Турнирни ҳакамлик томонидан юқори даражада ўтказиш ҳақида келишиб олдилар.

Л. ТАНГРИЕВ.

АКА-УКА ЧЕМПИОНЛАР



Қарши нақлиёт ички ишлар бўлимининг милиция капитани Бунёд Нафасов спорт деса ўзини томдан ташлайдиганлардан. Шу сабаб бўлди, шекилли, у фарзандларини ҳам спортчи бўлишини истади. Ўғилларининг каратэ ва дзюдо билан жиддий шуғулланиши учун жон куйдирди. Натижада бугун у ўз меҳнатининг илк самарасини кўряпти. Яқинда ўтказилган каратэ бўйича Қашқадарё вилояти биринчилигида уч ўғли — Беҳзод, Улуғбек, Шербеклар биринчи ўринни эгаллашди.

Чемпионларнинг каттаси — Беҳзод 3 йилдан бери каратэ билан шуғулланади. У шу кунгача уч марта вилоят кубогини қўлга киритди. Шунингдек у дзюдо бўйича ҳам шу йилги вилоят биринчилигида ғалаба қозонган. Ўтган йили Тошкент шаҳри чемпионатида биринчи ўринни эгаллагандан сўнг Беҳзод тезда мутахассислар эътиборига тушди. Шу сабабли уни бу йил ёзда Венгрияда ўтказиладиган ёшлар мусобақасига таклиф этишди. Айни пайтда у ушбу турнирга тайёргарликни кучайтиряпти.

Уччала ака-ука ҳам каратэ курашидан шаҳардаги «Локомотив» спорт жамиятида, дзюдодан эса шаҳар спорт қўмитасининг дзюдо клубида машқ қилишади. Улар бўш вақтларида шахмат ўйнашни ҳуш кўрадилар.

Суратларда: «Мана бу дипломни Тошкент шаҳри чемпиони бўлганимда олганман», — дейди Беҳзод. Мураббий Михаил Шокиров Беҳзод ва Улуғбекка дзюдо сирларини ўргатяпти. Ака-ука чемпионлар

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.



АСАЛАРИ УЯЛАРИ
сотилади ва
харид қилинади.

Мурожаат
учун манзилимиз:
Россия, 460021,
Оренбург шаҳри,
Туркистон кўчаси 161
уй. 410 хона.
(Таксопарк маъмурий
биноси.)
«Ятрань» ҳиссадорлик
жамияти.
Тел: (3532) 72-27-59.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: **Назокат УСМОНОВА**

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
хатлар бўлими — 36-54-64;
тижорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0149.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 13.143
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —20.30